


Қуёш чиқиши билан Бомдод намозининг вақти тугайди | Ҳадис дарслари (282-дарс)



19:00 / 15.05.2024 8539

Охирги вақти чиқмай туриб, бир ракъати ўқиб қолинган намоз, гарчи бир ракъатдан бошқаси ўз вақтида ўқилмаса ҳам, вақт чиқмай туриб ўқилган намоз ҳисобига ўтади.

هَلَلَا يَضَرَّهٗ رَبُّهٗ يَبْأَنَع
هَلَلَا يَلْصِقُ بِنَلَا نَع ، هُنَع

كَرْدًا نَمَ : لَأَقِمْ لَسَوْ وَهِيَ لَع
نَأَلْبَقِخْ بُّصَلَا نَمَّ عَكَر
كَرْدًا دَقَفُ سُمَّ شَلَا غُلُطَات
نَمَّ عَكَرَ كَرْدًا نَمَّ وَ ، خَبُّصَلَا
بُرَعَّتْ نَأَلْبَقِ رُصَعَلَا
رُصَعَلَا كَرْدًا دَقَفُ سُمَّ شَلَا
ةً سُمَّ خَلَا هَاوَر

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким қуёш чиқишидан олдин Бомдоддан бир ракъатни топса, батаҳқиқ, Бомдодни топибдир. Ким қуёш ботишидан олдин Асрдан бир ракъат топса, батаҳқиқ, асрни топибдир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан олинандиган фойда ва ҳукм очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Ҳанафийдан бошқа мазҳабларга кўра, бир одам узр туфайли Бомдод намозига кеч қолиб, қуёш чиқмасдан аввал бир ракъатини ўқиб қолса, қуёш чиқса ҳам иккинчи ракъатини ўқийверади. Унинг намози вақтида ўқилган намоз ҳисобланиб, қазо бўлмайди. Бироқ ҳанафий мазҳаби уламолари бошқа ҳадисга асосланиб, қуёш чиқиши билан Бомдод намозининг вақти тугайди, бу пайтда Бомдод ўқиётган кишининг намози бузилади, деб ҳукм чиқарганлар.

Лекин бир киши кеч қолиб, Асрнинг бир ракъатини ўқиганидан кейин қуёш ботиб қолса, намози ботил бўлмайди. У ўз намозини давом эттириб, ўқийверади. Намози тугал бўлади.

هَلَلَا يَلَّصِي بِنَلَا نَعُ هُنَعَو
كَرْدَا نَم : لَاقَم لَسَو هِيَلَع
كَرْدَا دَقَفِ ةَالَّصَلَا نَمَّ ةَعُكَر
نَاخِي شَلَا هَاوَر . ةَالَّصَلَا
يِيءَاس نَلَاو

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким намоздан бир ракъатни топса, батаҳқиқ, намозни топибдир», дедилар».

Икки Шайх ва Насайй ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда фақат Бомдод ёки Аср намозлари ҳақида эмас, балки барча намозлар ҳақида сўз бормоқда. Мусулмон одам кеч қолиб, қайси бир намознинг охириги вақтида бир ракъат бўлса ҳам ўқиб қолса, ўша намозни тамомлайди ва ўз вақтида адо қилган ҳисобланади. Унинг намози қазо бўлмайди.

Баъзи кишилар агар намоз вақти оз қолган бўлса, кейинроқ, бемалол қазосини ўқиб оларман, деб бепарволик қиладилар. Бу мутлақо нотўғридир. Мусулмон киши намозни умуман қазо қилмаслиги керак. Бир вақт қазо бўлган намознинг гуноҳини ювиш анча қийин. Шунинг учун охириги вақтида бўлса ҳам, биргина ракъатига илиниб қолса ҳам, ҳаракат қилиш керак. Бундай рухсатнинг берилиши биз бандалар учун айни меҳрибонликнинг ўзидир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди